

Саждадаги дуо мустажоб



13:00 / 08.11.2020 4536

????? ???? ???? ?????????? ???? ???? ???? ???? ???? „ ????
????????? ??? ???? ???? ???? ???? ???? : ???? ???? ???
????? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ???? ????
????????? ?????.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Банданинг Роббисига энг яқин пайти у сажда қилганидадир. Бас, дуони күпайтиринглар», дедилар».

Шарҳ: Намоз банданинг ўз Роббиси билан яккама-якка муножотидир.

Намоз мўминнинг меъроҳидир, у банданинг Аллоҳнинг ҳузурида ўзини энг хор ва энг паст тутган ҳолидир.

Сажда эса намознинг бандалик энг равшан намоён бўлиб, хорлик ва зорлик зохир бўладиган жойидир. Банданинг зорлиги қанчалар ошса, Аллоҳга шунчалар яқинлашади. Шунинг учун ҳам банда саждада Роббисига энг яқин ҳолда бўлади. Роббисига яқин турганда сўрагани қабул бўлиши шундан. Шунинг учун ҳам саждада кўпроқ дуо қилиш керак.

Имом Муслим ва Аҳмадлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким, мен рукуъда ва саждада турган ҳолимда Қуръон қироат қилишдан наҳий қилиндим. Аммо рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада эса дуо қилишга ижтиҳод қилинглар. Ижобат бўлиши аниқдир», деганлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан